



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ШАНБА

СОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ✦ № 46 (9282). • 1988 йил 5 март •

Баҳоси 3 тийин.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси 3 мартдаги мажлисида давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР қонуни кучга киргандан кейин корхоналарнинг фаолияти масалаларини муҳокама қилди. Иқтисодий ислохотнинг дастлабки тадбирлариёқ кўпгина меҳнат коллективлари ишини кучайтириб юборганлиги таъкидлаб ўтилди. Меҳнаткашларнинг ташаббуси ва омиликорлиги ошиб бормоқда, хўжалик юртишнинг иқтисодий методларидан тобора кенгроқ фойдаланилмоқда. Тўла хўжалик ҳисобига ўтиш шу йилнинг дастлабки икки ойи пилани муваффақиятли бажаришга кўмаклашди.

Шу билан бирга мажлисда КПСС Марказий Комитети 1987 йил июнь Пленумининг планлаштиришда корхоналар-

нинг ролини ошириш ҳамда уларнинг фаолиятини истеъмолчилар талабларига мувофиқлаштиришга доир йўл-йўриқлари кўп ҳолларда амалга оширилмаганлиги таъкидланди. Бунга фақат бошқаришнинг мунтазам системасига ўтиш даврининг ўзига хос хусусиятларига эмас, шу билан бирга марказда ва жойларда ишларни ташкил этишдаги бевоқифлик ва нуқсонлар ҳам сабаб бўлди.

СССР Госплани 1988 йил учун давлат буюртмалари системасига зарур раҳбарлиқни таъминлай олмади, бу эса маҳсулот турларини, шартнома тузиш учун шерикларини танлаб олишда корхоналар мустақиллигини чеклашга олиб келди. Моддий-техника таъминотидаги камчиликлар корхоналарнинг ташаббуси ривожланишига жиддий тўсиқ бўлмоқ-

да. СССР Госнаби ва унинг жойлардаги органлари долзарб масалаларни суст ҳал этмоқдалар. СССР Молия министрилиги маҳаллий молия органлари ишини секинлик билан қайта кўрмоқда. Банклар корхоналарга кредит-расчет ва касса хизмати кўрсатишда ўзилишларга йўл қўйдилар. Кўпгина министрликлар ўз иш услуби ва методларини қайта кўра олмадилар, янги шароитда ишлашда, ишлаб чиқариш ички хўжалик ҳисобини жорий этиш юзасидан корхоналарга дуруст амалий ёрдам бермадилар.

СССР Госпланига, министрликлар ва идораларга, маҳаллий бошқарув органларига давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонуни бажарилишига қатъий риоя этиш, корхоналар ташаббуси ва мустақиллигини ривожлан-

тириш, хўжалик ҳисоби муносабатларини кенг жорий этиш, давлат ва меҳнат коллективлари манфаатларини қўшиб олиб бориш учун зарур шарт-шароит яратиш таклиф этилди.

Сиёсий бюро жойлардаги партия органлари олдига бошқаришнинг маъмурий-бўйруқ-бозлик методларини тугатиш, энг аввало меҳнат коллективларига, жамоат ташкилотларига таяниб, экономикага раҳбарлик қилишнинг сиёсий методларига дадилроқ ўтиш вазифасини қўйди.

Мажлисда ўртача ва камроқ олислик ракетапарини тугатиш тўғрисида СССР билан АҚШ ўртасида Шартнома тузилганлиги муносабати билан инспекция фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Шартнома кучга киргандан кейин совет томонининг шу Шартномага мувофиқ ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажаришга тайёргарлигига оид бир қанча конкрет масалалар кўриб чиқилди.

Сиёсий бюро А. А. Громико-

нинг Венгрия Халқ Республикасида расмий дўстлик визити якунларини маъқуллади. КПСС билан ВСИП, СССР билан ВХР Совет-Венгрия муносабатларининг ҳамда халқаро сиёсатнинг долзарб масалаларига бир хил ёндашётганлиги мамнуният билан таъкидлаб ўтилди. Будапештда самимийлик ва ўртоқларча ҳамжиҳатлик ва муҳитида ўтган учрашулар ва суҳбатлар иккала томон Совет Иттифоқи билан Венгрия ўртасидаги дўстлик муносабатлари ва ҳар томонлама ҳамкорлиқни муттасил ривожлантиришга ҳар иккала томоннинг интилаётганини намойиш қилди. СССРдаги қайта қуриш жараёни билан социалистик Венгрия мақсадларининг ҳаммаҳанглиги Совет-Венгрия алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириш учун янги имкониятлар очиб бериши таъкидланди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Коммунистик партия билан Совет давлати ички ва ташқи сиёсатининг бошқа баъзи масалалари юзасидан ҳам қарорлар қабул қилди.

АБДУҲАКИМ Набиев Тошкентдаги 1-тажриба экспериментал заводда 17 йилдан бери ишлайди. Шу йилдан ичда моделчилик касбини пухта ўзлаштирди. Хозир у Тошкент Политехника институтининг механика факультетини таъсис олмоқда.

А. Набиев жамоат ишларида ҳам фаол қатнашади. Айни пайтда Куйбисhev район партия комитетининг бюро аъзоси. Унинг турмуш ўртоғи Муяссар Набиева ҳам Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг кўли гул чеварларидан ҳисобланади. Бу ишлаб чиқариш илгорлари бахтиёр 5 фарзанднинг ота-онаси ҳам. Улар ишдан бўш вақтларини ҳаминша мазмунли ўтказишга ҳаракат қилишади. Унинг кўп қисмини фарзандлари тарбиясига бағишляшади. Суратда: Набиевлар онаси Ўзбекистон халқлари тарихи музейида.

В. Молгачев фотоси.



• Меҳнаткашлар хатларидан •

САРХИЛИНИ ТАНЛАБ ОЛАЙЛИК

Кўп жонли оиламиз. Қундалик рўзгорга гоҳ у, гоҳ бу нараса керак бўлиб туради. Шу боисдан қишлоғимизда кооператив савдо дўкони очилганида жуда ҳам хурсанд бўлдик. Лекин қувончимиз узокқа чўзилмади. Пештахталарда ҳозир чирган пиез, пўк бўлиб қолган сабази, кўкариб кетган

саримсоқ пиездан бўлак нарасани кўрмайсиз. Кооператив бўлганидан кейин сархини, одамларнинг дидига мос моллар билан савдо қилиш керак-да.

Бир вақтлар қишлоғимиз марказида колхоз дўкони бўларди. Йўқ бўлиб кетди. Уни тиклаш керак. Шунда арзанмаган нараса учун ша-

ҳарга югурмай, шу ернинг ўзидан харид қилаверардик. Биз каби оналарга шунда жуда ҳам қўлай бўларди. Ўйлайманки, мутасадди ўртоқлар хулоса чиқариб, келаси байрамимизгача ўз ишларида ўзгартириш асаб, қишлоғимизда яшовчи оналарни, оналарни хурсанд қиладилар.

Хури ҚАЮМОВА,
Оржоникидзе районидаги
Дурмон қишлоғи. Қаҳрамон она.

ПУЛИМИЗНИ ҚАЙТАРИБ БЕРИШСИН

Мен 1987 йилда 12 тилда чиқарилаётган «Совет Ўзбекистони» журналнинг ўзбекча ва инглизча нашрларига обун бўлган эдим. Афсуски журналнинг янги сонларини ҳеч қачон ўз вақтида ололмаяман. Бу тўғрисида район «Коммунист» газетасига ҳам ёзган эдим. Аммо, «Зафар» алоқа узели ва «Қўшамғали» алоқа бўлимининг мутасадди раҳбарлари бу ташвишли сигналлардан керакли хулоса чиқариб олишгани йўқ.

Елгон бўлмасин, журналнинг 1987 йил октябрь сонини 1988 йилнинг 22 январда олдим. Бу — ўзбекча сони эди. Инглизча сонини эса ҳамон олганим йўқ. Журналнинг 11- ва 12-сонларини билмадим қачон олар эканман! Обуна бўлгандан кейин ҳар бир нашрни ўз вақтида олайлик-да. Бўлмаса пулимизни қайтиб беришсин.

Ҳасан ОТАҚУЛОВ,
Бекобод районидаги 42-ўрта мактаб ўқитувчиси.

КПСС Марказий Комитети 1988 йил февраль Пленумининг ҳужжатлари КПСС XXVII съездининг жамият турмуши барча томонларини қайта қуришга, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга қаратилган стратегик йўлини изчиллик билан амалга ошириш учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олиб, сиёсий ўқув ва ишлаб чиқариш-иқтисодий таълими системасида ана шу материалларни қуйидаги тематикага мувофиқ қуқур ўрганишни ташкил этиш тавсия қилинади:

1. Революцион қайта қуришга — янгиланиш идеологияси. КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг 1988 йил 18 февралда КПСС Марказий Комитети Пленумида сўзлаган нутқи. Қайта қуришнинг идеологик жиҳатлари. Идеологик фаолият проблемалари, социализм ва қайта қуриш

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1988 ЙИЛ ФЕВРАЛЬ ПЛЕНУМИ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ЎРГАНИШ ЮЗАСИДАН МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ

НАМУНАВИЙ ПЛАНИ

(СИЁСИЯ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎҚИШ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ ҲАМДА ПРОПАГАНДИСТЛАРГА ЁРДАМ)

назарияси масалалари. Қайта қуришда инсоннинг, унинг сиёсий ва маънавий қиёфасининг, граждандлик позицияси ва активлигининг ҳал қилувчи роли. Туб иқтисодий ислохотни, ижтимоий турмушнинг демократиялашши идеологик жиҳатдан таъминлаш. Сиёсий-тарбиявий иш формалари ва методларини янгилаш. Активларни, барча коммунистларни қайта қуришнинг гоёвий мазмунини сари, КПССнинг омма билан алоқасини мустахкамлаш сари кескин буриш зарурлиги. Совет, кассаба союз, комсомол органларининг, идеология воситаларининг, экономика, социал

сиёсат ва маънавий турмуш соҳасидаги барча кадрларнинг ўзвий баҳамжихат қаракатини таъминлаш масалалари. Қайта қуриш идеологиясининг халқроқ жиҳатлари. КПСС ва Совет давлатининг халқроқ муносабатларда тенг ҳуқуқлилик ҳамда ялли хавфсизлик принципларини қарор топтиришга қаратилган ташқи сиёсий йўли.

2. Ўрта ва олий мактабни қайта қуриш қандай бораётганини ҳамда уни амалга ошириш соҳасида партиянинг вазифалари тўғрисида. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси,

КПСС Марказий Комитети секретари Е. К. Лигачев доклади ва КПСС Марказий Комитети Пленумининг бошқа ҳужжатлари. Социалистик жамиятимизни сифат жиҳатдан янгилашда, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда ўрта ва олий мактабнинг ўрни ҳамда роли. Халқ маорифи сифатини ошириш йўллари. Мамлакатда тарбия ва таълимнинг барча бўғинларини қамраб оладиган узлуксиз маориф системасини вужудга келтириш масалалари. Мактабга партиянинг раҳбарлик методлари мазмунини бойитиш ва уларни яхшилаш муаммолари. Бошланғич иқтисодий тайёргарлик, ўқув

чилар билан студентларни ҳуқуқий, маънавий, интернационал ва атеистик жиҳатдан тарбиялаш вазифалари. Ўқитувчилар составининг сиёсий ўқувни тақомиллаштириш масалалари.

Мазкур тематика юзасидан: — ўқитувчиларнинг сиёсий семинарларида, педагог ходимларнинг ҳамда халқ маорифи ташкилотчиларининг фалсафий (методологик) семинарларида 2—3 та махсус машғулот;

— марксизм-ленинизм университетларида, партия-ҳўжалик активларининг мактабларида, шунингдек фалсафий (методологик) семинарларда, сиёсий назарий семинарларда (педагог кадрлар ва ўқитувчиларсиз) — битта махсус семинар машғулот;

— сиёсий мактабларда, комсомол сиёсий ўқувни, ишлаб чиқариш-иқтисодий таълими системасида 1—2 та махсус машғулот ўтказиш тавсия этилади.

МЕРОС ЖАНЖАЛИ ФОЖИА БИЛАН ТУГАДИ

ХАЛҚИМИЗДА фарзандлик бурчини адо этиб, ота-она оқибатини олган ўғил-қиз кам бўлмайди, ота-онасига кўрсатган иззат-ҳурмат ўз фарзандларидан қайтади, деган гап бор. Қонуний мажмуаси ҳам, ахлоқ-одоб, одамийлик қонуни қондеси ҳам мерос масаласида худди шундай қобил фарзандлар ҳуқуқини кўпроқ ҳимоя қилади.

Лекин минг бор афсуски, баъзан фарзандлар битта рўмолча, бир жуфт иссиқ нон, ҳатто икки калима илиқ сўз билан ота-она кўнглини овлашга вақт топа олмадилар-у, мерос масаласига келганда оқлаб, йиллаб эринмай елиб-югурадилар. Ака билан ука, опа билан сингил мерос талашиб бир-бири билан сан-манга боришади, ҳатто ёқа бўғишиб, қирпичқо бўлишгача бориб етишади. Бир-бирларини суд ва нотариал идораларга яна бошқа аллақандай маҳкамаларга судлаб, меросдан кўпроқ улуш ундириш пайида ҳар қандай пасткашликлардан ҳам қайтмайдилар.

Ҳадица бунининг икки қизи — Мукаррам билан Мухайё аллақачон уй-жойли бўлиб кетишган. Шундай бўлсада бу опа-сингиллар онадан қолган уйни талашиб, бир-бирининг бошига не кунларни солишмади. Уларнинг мол-дунёга ҳирс қўйган эрлари — Саидазим ва Эркин қир-пичқо бўлишди. Икки ўртада икки хонадон алангада ёниб кул бўлди, ун гулдан бир гули очилмаган 14 яшар қиз, ҳали ота-она дийдорига тўйиб улгурмаган икки ёшли гудак мерос жанжалининг қурбони бўлди.

Воқеа шундай юз беради. Ҳадица бунининг ўғли йўқ эди. Кичик қизи Мухайё ушар ўғли Эргашни онаси яшаб турган Келесдаги 72-йўга етаклаб келиб:

— Онажон, ўғлим йўқ деб ўқиманг. Меннинг ўғлим сиқининг ҳам ўғлингиз. Набиранинг Эргаш ўғлингиз ўрнида ўғил бўлсин, — деб ўғлини она тар-

биясига топширди. Орадан йиллар ўтди, Ҳадица буви ҳам набираси, ҳам ўғли Эргашни оқ юзиб, оқ тараб воғга етказди, уйлантирди. Эргаш ўғил, хотини Ҳилола келин ўрнида Ҳадица бунининг хизматида бўлишди.

Бу орада Ҳадица буви қўша-қўша набирани бўлди. Ҳувилаб турадиган уйи болаларнинг шўх-қувноқ кулгуси билан фойзга тўлди.

Ҳадица Маҳмудхўжаева ҳаётлик вақтидаёқ ўғли Эргашни ҳақиқий меросхўр деб топиб, ўзи тирган ўша 72-уйини унинг номига нотариал идора орқали расмийлаштириб қолдирди. 1986 йили Ҳадица буви оламдан кўз юмди. Лекин афсуски, унинг қабр тупроғи ҳали совиб улгурмасдан Мукаррам, Мухайё ва уларнинг эрлари Эркин билан Эркинлар мерос давосида ёқа бўғишмисин. Бу олишув 1987 йилга келиб қонли фожиа билан якунланди.

— Бу муҳдиш воқеа содир бўлмасдан бир кун илгари, яъни 1987 йил 22 июни кунни опа-сингил Мукаррам билан Мухайё, уларнинг эрлари Саидазим ва Эркин, бошқа қариндошлари билан қишлоқ Совети идорасига мерос талашиб кетиб келишган эди, — деди гувоҳ сифатида судда қўрсатма берган Калинин қишлоқ Совети ижроия комитети раиси Рихсибой Топшўлатов. — Биз уларга Ҳадица буви ўзига қарашли уйни набираси Эргашга мерос қилиб қолдиргани, бу нотариал идора орқали қонунийлаштириб қўйилгани, кимнинг қандай давоси бўлса судга муражаат қилиши кераклигини тушунтириб жўнатдик. Уша кун Ҳадица бунининг, яъни Эргашнинг уйига ўт қўйиб юборишгандан хабар топдик.

Бундай қабхликка қўл урган ким? Ажабо, ўз туғишганларининг уйи, мол-мулкни қўлайдиб кул бўлишидан завқ оладиган инсон қай даражада разил, жоҳил ва пасткаш бўлиши керак?! Мол-дунё ҳирси

билан мерос талвасасига тушган шахс — биринчи автокомбинатнинг шофери Саидазим Саидумаров шундай қабх инсон бўлиб чиқди.

У ўтган йил 23 июни кунни бензин тўла идиш билан болта олиб, ўзи ҳайдайдиган 47—01 ТНА номерли ГАЗ-24 такси машинасида, аввал божмаси Эркин яшаб турган Собир Раҳимов район 2-қораканиси мас-сивидаги 4-уй 15-квартирага келади, эшик қўнғирогини босади. Мухайёнинг 14 яшар қизи Маҳбуба эшикни очибди билан Саидазим болта билан унинг бошига бир неча бор уриб беғуноқ қизни қонга белади. Сўнгга уйга бензин сепади, ўт қўйиб кетади. Аммо разиллашган Саидазим бу билан ҳам қаноат қилмай, Келес қўчасидаги Эргаш яшаб турган 72-йўга келади ва бу хонадон ҳам бензин сеппиб, ўт қўйиб юборади. Бу пайтда Эргаш ҳам, хотини ҳам уйда йўқ эди. Ҳилоланинг синглиси 12 яшарли Наргиза, қайиниси Собир исмли йигитча бешикдаги 2 яшар Элбекни тебратиб ўтиришган эди. Уй ёнаётганини кўрган гудаклар саросимага тушиб, қаёққа қочишни билмай қолдишди. Аланга чангалдан қочиб, оғрикдан дод-фарёд кўтарган норасида гудакларнинг ноласи номард Саидазимга мутлақо таъсир қилмади. Ваҳшийлигини қарангки, бешикдаги жияни Элбекни кўтариб ёнғиндан олиб чиқмоқчи бўлган Наргизани Саидазим яна аланга домига итариб юборди. Оғир жароҳатланган Элбек касалхонада вафот этди. Саидазим Саидумаров мерос талвасасига тушиб қўлини гудаклар қони билан бўяди, икки хонадонни куйдириб кул қилди.

Мана ўша қотил қариндош-уруғлари, маҳалладошлари қаршида юз қора бўлиб суднинг жиноят курусида ўтирибди. Тошкент шаҳар суди жиний ишлар бўйича суд коллегиясининг аъзоси Ҳ. Зү-

фаров раислигида ўтган суд ҳайъати унинг қилмишларини олий жазога лойиқ, деб топди.

Келинг, энди икки опа-сингил ўртасида фожиа билан туғган бу можаро сабабини ақл талвасига солиб, инсоф-диёнат, одамийлик ва қадр-қиммат ўлчови билан баҳолаб кўрайлик. Ҳўш, Саидазимнинг бу қадар оғир жиноятга қўл уришга аслида нима мажбур этди ёки ким сабабчи бўлди?

Гап шундаки, икки туғишган опа-сингил арзимас мерос, деб ҳаё ва андишадан, меҳроқибатдан, инсоф ва диёнатдан кечишди. Биринчи инсоннинг ёқасидан олди. Опасингилсининг ҳаётлигида гўрига ётиш қалади. Уларнинг беандиша ва беҳаёлчар жанжалларига эрларини ҳам тортишди.

Тўғри, шомол бўлмаса даррактинг учи қимирламайди. Саидазимнинг бу жанжалга қўшилиб, ҳаёқ давво қилишда ҳам жон бор. Ҳадица буви ҳовлиснинг бир четига айвон билан бир хонали уй солган эди. Кампиннинг вафотидан сўнг шу арзимас иморат Мукаррам билан Эркиннинг мерос давво қилишлари учун дастак бўлди.

Бироқ улар ўз улушларини жанжал-тўполонсиз, яхшилик билан суд орқали ажратиб олишлари мумкин эди-ку! Қишлоқ Совети ижроия комитети раиси ҳам унга шундай маслаҳат берган эди. Лекин улар қулоқ солишмади. Қандай бўлмасин улушни каттароқ олиш пайида бўлишлар. Меъёридан ортиқча ҳирс пировард натижада ўз бошларига бело олиб келди.

Бу аянчли воқеа бошқаларнинг ҳам қўзини очибди, чуқурроқ ўйлаб иш қилишга ундади, қуллас жиддий сабоқ бўлиши лозим. Мол-давлат, уй-жой ва мерос талашиб юз тубан кетмайлик, одамлар!

А. ШАЙХОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ НАЗОРАТИДА

Кўп болали онаман. Болаларимдан бири, ёшлаганда уноқ ногирон бўлиб қолган. Унга қараган даврим меҳнат стажига кирадими?

К. МАМАТХОНОВА, Тошкент райониди «Ўзбекистон ССР 50 йилди» колхозчи.

Амалдаги қонуналарга кўра 5 ва ундан ортиқ фарзанд туғиб 8 ёшгача тарбиялаган оналарга 50 ёшга тўлган, 15 йиллик иш стажига бўлган тақдирдагина қарилган нафақаси тўланади.

Ёшлаганда ногирон бўлиб қолган фарзандларни боқиб, тарбиялаган кўп болали оналарга тўла бўлмаган стажига учун ёши 55 дан ошгача, биронта давлат корхоналарида 5 йилдан кўпроқ ишлаган тақдирдагина белгиланади.

Илгари колхоз аъзоси бўлган шахсларга тўла бўлмаган меҳнат стажига учун нафақа белгиланмайдиган. Ёшлаганда ногирон бўлиб қолган фарзандларга қараган оналарнинг вақти иш стажига ҳисобланмайдиган.

Ўғлимнинг машина босиб кетди. У шифохонага келтирилгач вафот этди. Айбдорлар эса шу кунгача жазосиз қолмоқда.

Т. ТОҶИБОЕВА, Бекобод шаҳри.

Область прокуратураси тергов бошқармасининг бошлиғи Ю. Шпетиковдан олинган жавобда Т. Тожибоевнинг аризаси область прокуратураси томонидан қўриб чиқилганлиги хабар қилинади. Ҳақиқатан ҳам бўлиб ўтган йўл-транспорт ҳодисаси Ҳадица ўша даврда Бекобод шаҳар ички ишлар бўлими томонидан жиний иш қўзғатилган. Шундан кейин у Бекобод, Бўқа шаҳар ва район тергов бўлимлари томонидан қўриб чиқилиб, ишнинг тўхтатиш ҳақида қарор қилинган. Область прокуратураси улар томонидан ўша даврда чиқарилган қарорини бекор қилиб ишнинг қайта қўриш ва қўшимча тергов қилиш ҳақида қарор чиқарди. Шу кунларда бу иш юзасидан Бекобод шаҳар ички ишлар бўлими тергов олиб бормоқда.

Газетхон таклиф этади ЯНГИ МАРШРУТ ҚЎЙИЛСА...

ЮНУСОБОВ — пойтахтимизнинг энг йирик массивларидан бири. У янада кенгайиб бормоқда, аҳолиси сонига ортмоқда. Бу ерда янги-янги уй-жойлар, маданий-маиший муассасалар қурилиб ишга туширилмоқда. Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳам яхшиланмоқда. Унинг маршрут-

лари қўпаймоқда. Лекин транспорт қатновиди ҳал қилинмаган муаммолар ҳам йўқ эмас. Массивда истиқомат қилувчи минглаб кишилар студентлар шаҳарчасига қатнаб ишлайди. Ўқишга боради. Манзилимизга бориш учун автобусма-автобус кўчавериб, оворан сарсон бўлмайди. Қўпича студент-

лар шаҳарчасига бориш учун 82 маршрутли автобусга ўтирмаз-у, бироқ қимматли вақтимизни «сафар»да йўқотамиз. Чунки автобус Юнусобод массивининг 17-кварталидан то ТошМИ тураржой шаҳарчасига етгунча 37 бекатда тўхтайдиган. Бу масофани 1 соатдан ортиқ вақтда босиб ўтади. Биз эса «Бирлик» ёғи кинотеатри бекатида тушиб қолиб, у ёғига яёв кетамиз.

Йўловчиларни узоғини яқин қилиш учун Юнусобод массиви билан Студентлар

шаҳарчаси оралиғида маршрутлик такси қатнови йўлга қўйилса ёки бу массивни яқин йўл, яъни Аҳмад Доини ва А. Нисёзов кўчалари орқали ТошМИнинг янги клиникаси билан боғлайдиган янги автобус маршрути ташкил этилса, кўнгилдагидек бўларди. Ана шундайгина ишчи-хизматчилар ишидан, студентлар лекциясидан кечикмасди. Уларнинг анчагина қимматли вақти беҳуда сарф бўлмасди.

Юнусобод массиви 14, 17- ва 19-кварталларининг кўпчилиги бекатларида соя-

бонлар йўқ. Автобус кутаётган йўловчиларнинг қор ва ёмғирда қолиб диллари ҳуфтон бўлмоқда. Шунинг ҳисобига олиб бекатларда соябонлар ўрнатиш керак. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ва пассажирлар ташвиш Тошкент шаҳар автотрести раҳбарлари таклифларимизни инобатга оладилар, деб ишонч билдиришни истардик.

Қўпчилик аҳоли номидан:

С. АШУРОВ,

А. СУЮНОВ, Р. РҶЗИЕВ, ТошДУ студентлари.

ЭШЛАР БА ЗАМОН

**БАҒСЛАШИШНИ
ЎРГАНАЙЛИК**

Янгибод шаҳрида эса ёшларнинг динга бўлган муносабати ўрганилди. Шунинг билан бирга, айрим йигит-кизилар бу борада ҳамон аниқ позицияни эгалламаганликларини Маркисча-ленинча назарияни пухта эгалламагандилари, гуманитар фанлардан тўла хабардор эмасликлари баҳсларда билиниб қолди.

Шунга қарамай, учрашув

область комсомол комитети пропаганда ва маданий-
оммавий ишлар бўлими мудири.

БЕЗОРИДАН
ЭЛ БЕЗОР

Ҳалима ОРТИҚОВА,
пенсionar.

Г. ЙУЛДОШЕВА.

Е. Ботиров фотолари.



Қоғозбозлықтан амандай шыға

— Биз ҳам шунга ўхшаш лояқатликда дуч келдик, — сўз-батин давом эттириши, яна бир интернационалист жангчил Шухратилла Тўлагановнинг яқинлари, — Шухратилла ҳақда ҳужайлиги институтда таҳсил оларди. Уша ердан армияга қақирилди, ўз ихтиёри билан Афғонистонга йўл олди ва қайtib келмади... Комсомол комитети қаҳармон жангчилар хотирасини абадийлаштириб, уларнинг оиласидан хабар олиб, ҳар доим маънавий мадад бериб туриши керак эди. Лекин шундай бўлмапти. Шухратилла ўқиган институт комсомол комитети аъзолари, унинг базаси жўралари ёқилиб бейрам кунларида уйимизга

Бугина эмас, район комсомол комитети фаолиятида ўз ечимини кутиб ётган бошқа муаммолар ҳам йўқ эмас.

Э. ХАЙДАРОВ.

• Социал масалалар бўлимида •

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ОБЪЕКТЛАРИ ҚУРИЛИШИ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

«Районда медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш соҳасида ҳеч қандай амалий иш қилинмапти. Даволаш муассасалари бинолари эски, ўрин етишмайди, янги-ларини қуриш ўлда-жўлда».

Халқ депутатлари област Совети ижроия комитетининг Ғалаба райониде бўлиб ўтган кўча мажлисида.

...КўЧАНИНГ охирида уч қаватли чала бино турибди. Катта темир дарвоза ланг очик Касалхонанинг орқа томонидан чиқиб қолдим шекли, деган ҳаёда оёғига этик кишиб олган оқ халатли аёлга мурожаат қилдим:

— Тўғри келаяпти, бош врач хув анув бинода ўтиради, — деди. Сўнг, икки қаддам юриб ярим ҳазил, ярим чин оҳанда қўшиб қўйди: — Шимингизнинг почасини қайтариб олинг...

Бир кун олдин ёмғир ара-лаш қор ёган. Йўллар лой, ҳар ер, ҳар ерда сувлар халқоб бўлиб йиғилиб қолган. 4 та бир қаватли паст-қам биноларни ҳисобга олмаганда, бу ер худди ўрмонга ўхшапти. Биноларга ташқаридан кўз югуртирсангиз — ғарибхонанинг ўзи. Бу ерда кечаси одам келишга кўрқади.

Мақсадимизни эшитгач, Сайфулла Иноятов қувончини яшира олмади:

— Зора газета аралашиб, ишларимиз юришиб кетса, — дея қандайдир қоғозларни титкилай бошлади.

Касалхона қурилиши тўғрисидаги тарих хўп қизиқ экан. Район миёсиданда йиғилишларнинг бирида ўша пайтдаги Киров номи колхоз раиси хўжаликнинг озгина даромади борлиги ва ўша пўлга касалхона қуриб бериши мумкинлигини айтган. Таклиф қўйилганда маъқул тушган. Тез орада «Гипросельпроект» ходимлари 1 миллион 700 минг сўмлик лойиҳа-смета тайёрлаб беришган. Демак, бу пулни тўлашни колхоз ўз зиммасига олган.

Қурилиш учун майдонажратилди, лойиҳа ҳужжатлари тайёр. Қурилишни ким олиб боради? Бу масаланинг ҳал этилиши мушкулроқ бўлди. Қурайдиган майд топилаётган бир пайтда Ғалаба районига республика Автомобиль транспорти министри ташриф буюриб қолди. Район раҳбарлари министрга гап орасида шундай хайрли иш бошлаганлари, аммо қурилиш ташкилотини топа олмаётганликларини айтишди. Икки кундан кейин министрликка қарашли Сирдарё область қурилиш бошқармаси бош пудратчи этиб тайинланди. Хаш-паш дегунча 1978 йилнинг қўқламади. Районда қурилишнинг пиланди ташқари эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Касалхона планга қўшимча бўлгани билан дастлабки даврда ишлар анча юришди. Пой-

девор қўйилиб, устунлар қўйилди. 1978 йилдан 1982 йилгача республика Авто-мобиль транспорти министри-лигикасалхона қурилиш-мон-таж ишлари учун 200 минг сўм маблағ ажратди. Аммо план бажарилмади. Ўша дастлабки йиллар унумли ишлаш ҳисобига тўрт йил мобайнида бор-йўғи 5 минг сўм капитал маблағ ўзлаштирилди, холос.

1981 йили сирдарёлик бунёдкорларга «Облагро-промстрой» 1-трестининг (илгариги «Облколхоз-строй» трести) Солдатское-даги 71-хўжалиқларро механизациялашган кўча колоннаси бинокорлари ёр-дамга келишди. Икки қури-лиш ташкилоти бўйича тас-

— Пул бўлмагандан кейин қурилиш давом этти-ришни ким ҳам бўйнига олар-ди, — дейди бош врач. — Қирмаган эшигим қолмади, ҳатто СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советлари депу-татларини ҳам ишга солдик, бўлмади. Область ижроия комитетига мурожаат қил-дим. Ниҳоят...

Ҳа, ниҳоят 1986 йил учун область ижроия комитети-нинг капитал қурилиш бош-қармаси 420 минг сўм аж-ратди. Бироқ шифокорлар-нинг қувончи узоққа борма-ди. Объектга келган капи-тал қурилиш бошқармаси-нинг мутахассислари иш билан, ҳужжатлар билан та-нишгач, лойиҳа-смета эс-кирган деб тойдилар. Сўнг

ҚУРИЛИШДАГИ ЭСКИ «КАСАЛ»

диқланган иш тақсимоти-га кўра маҳаллий қурувчилар зиммасига касалхонанинг инфекцион ва хўжалик кор-пусларини бунёд этиш юк-латилди. Ердмчиларни кўрган сирдарёликлар «Биз-ларга объект узоқлик қила-пти» деб ва бошқа турли баҳоналар қидиришга туш-дилар. 1982 йилда район партия ва ижроия комитети раҳбарлари сирдарёликлар-га жавоб бериб юборишди ва қурилишни давом этти-риш 71-кўча колонна зим-масида қолдирилди.

Бундан тўрт йил олдин «Бу плансиз қурилишни олиб бормаймиз» деб икки оёқини бир этника тиқиб тур-ган маҳаллий қурувчилар ниҳоят рози бўлдилар. Минг афсуски, маҳаллий бунёд-корлар ҳам планни бажар-масликда меҳмонлардан қолшмадилар. 1983 йилда планда кўзда тутилган 600 минг сўмлик ўринга бор-йўғи 131 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. 1984 йилда 726 минг сўм-лик план бор-йўғи 36 про-центга бажарилди. Шундай қилиб, олти йил мобайнида ҳаммаси бўлиб 1 миллион сўмлик капитал маблағ ўз-лаштирилди.

Касалхона қурилишининг чўзилиб кетаётганини кўрган Киров номи колхоз правле-нисининг ҳам ҳафсасида пир бўлди. Тўғриси ҳам шун-да: бутун бошли касалхона қурилиши учун хўжалик ҳаменидан пул чиқариб бер-са-у, ишлар бундай чўзилса. Оқибатда, 1984 йилнинг охи-рига келиб колхоз раҳбарла-ри «қурилишга бошқа пул ажратолмаймиз» деб қўл силташди.

«Гипросельпроект» объект-ни қайтадан лойиҳалаштир-ди. Бунга аёва салкам бир йил вақт кетди. Демак, икки йилдан бери қурилиш майдон-ида бир донга гишт у ердан — бу ерга олиб қўйилмади. Янги лойиҳа-смета ҳужжат-лари эса 2 миллион 400 минг сўмликка кўтарилди!

Район раҳбарлари 1988 йилда касалхонани битказиб, ишга тушириб берамиз, де-йишган, — суҳбатни давом эттирди, бош врач С. Ино-ятов. — Ҳозирги аҳвол эса қурилиш яна бир неча йил чўзилишидан далолат бер-моқда. Чунки январь ойи бошида водопровод, канализация, электр, иссиқлик трассалари ўтказамиз, деб ерларни ўйиб ташлашган. Ўшанда ишчилар уч тўрт кун ишлашди. Шу кунларда эса қозонхонада беш-олти киши ишлаяпти, холос.

Биз 71-кўча колонна бош инженери билан учрашдик. — Чўзилишга сабаб об-ъектнинг муқим бир ташки-лотта боғлаб қўйилмагани-дир, — дейди Тўлқин Ун-гаров. — Ундан кейин лойиҳа-смета ҳужжатларида иш-каллар чиқди. Ўтган йили айрим сабабларга кўра об-ектда ишининг тўхтаб қолиш ҳоллари юз берди.

Бош инженер шундан кейин ердмчи пудратчи таш-килотлардан нолиди.

— Масалан, — деди у, — «Ўзгортранспецстрой» 1-трестининг 395-хўжалиқ-ларро механизациялашган кўча колоннаси бунёдкор-лари октябрь ойида касалхо-нада 22 минг сўмлик иш ба-жаришди. «Ўзгортранс-монтаж»нинг 353-, «Ўзгортранс-монтаж»нинг 333-

кўча колонналари ишчилар-и ўтган йили конкрет бир иш билан шуғулланмадилар. Улар фақат аввалги йиллар-да бажарилган ишларнинг реконструкцияси билан маш-гул бўлдилар. Улар ўз ва-зифаларини бажарганларида бизга ҳам иш фронти очил-ларди. Шунда 79 минг сўм-лик ободонлаштириш ишла-ри бажарилган бўларди.

Қурувчиларнинг ҳужжа-ти чатоқ экан, маблағ вақ-тида ажратилмади, ердмчи-пудратчи ташкилот ёки бош пудратчи яхши ишламади сингари баҳоналари қури-лишдаги эски «касал». Бироқ, барча ишларни зимма-сига олган бош пудратчи шундай пайтда қўл қовушти-риб ўтирмай, ташкилий иш-лар билан шуғулланиши шарт эди!

— Касалхона бу йил би-тадимиз?

Бош инженер қатъий «йўқ» деб жавоб берди.

— Сабаб?

— Бутун касалхонани шундай иситамиз, — деди.

Бўлимга кирвернингиз-да осма умивальник туриб-ди, тагида катта тоғора,

— Беморлар шу ерда ювинишади...

Палаталар тор. Санитария-гигиена қондаларига мут-лақо рюя қилинмади. Сув қудуқдан ташиб келтирилади. Ювинди сув бир чеккага бориб тўкиб келинади.

60-йилларда қурилган, сменада 50 киши қабул қи-лишга мўлжалланган поли-клиника район марказида жойлашган экан. Коридор-дан икки киши зўрга ўтади. Касаллар тик оёқда навбат-да турибдилар. Врачларнинг ҳам қабул хоналари тор. Клиник лабораторияда ҳам-шира зарур ускуналарни то-ғорага солиб юваланти. Бу лабораторияда яқин-ақин-ларгача беш-олти хил тек-ширишлар ўтказиларди. Қон топириш ҳам, бошқа ана-лизлар ҳам шу ерда эди. Бир ойча олдин уларни «ажратиб» юборишди.

Боя бош врач айтганидек, шундай шароитда ким ҳам ишларди? Область бўйича ҳар минг кишига 23 нафар врач тўғри келса, районда бу рақам 17 ни ташкил этади. Демак, 263 врач етишмайди. Айниқса, болалар врач-и — педиатрлар кам. Улар асли-да 40 киши бўлиши керак. Ўрта медицина ҳамшираси районда 1520 киши бўлиши керак. Амалда эса 886 на-фар. Касалхоналарда 250 та ўрин етишмайди. Район аҳо-лиси ва шифокорлари эса янги касалхона битишни ку-тиб сочлари оқармоқда.

Хуллас, районга замона-вий касалхона керак. У 10 йилдан бери қуриляпти. Бироқ, унинг қачон битиб ишга туширилишини эса ҳа-мон ҳеч ким аниқ айтиб бе-ролмайпти. Ғалаба район меҳнатнашлари, жамоатчи-лик шу саволга аниқ жавоб кутишмоқда. Жавоб беради-кан «мард» борми, район бе-дарвоза эмас-ку, ахир?...

А. ҒУЛОМОВ,
«Тошкент ҳақиқати»
нинг махсус мухбири.

ОБАСТ
ИЧКИ ИШЛАР
БОШҚАРМАСИДА

ҲАФТАЛИК ОПЕРАТИВ
МАЪЛУМОТЛАРДАН

★ ЯНГИЙЎЛ ШАҲРИ. Қариб қўйилмаган Михаил Арсенте-вич ярим аср яшаб ҳам иш-ламай тўшлаш одатини тарк этмади. Чиноз районидан Ол-

мазор посёлкасида яшовчи бу кимса ўтган йилнинг август ойидан бери ҳеч қаерда иш-ламай, автобусма-автобус юриб, бўш-баёв йўловчилар пулларини шилишни одат қилди. Аммо қинғир йўлнинг пировард на-тижада қаерга олиб бориш ҳаммага маълум. М. Алексее-ва шаҳар касалхонаси билан ёғ-мой комбинати оралиғида қатновчи автобусда бир аёл-нинг 85 сўм пули ва паспортни-ни ўғирлаганди қўлга тушди.

★ ЧИНОЗ РАЙОНИ. Ички ишлар бошқармаси ходимла-

рининг сергаклиги билан қил-ган ҳаракатлари зое кетмади. Улар 09—16 СИД номерли Газ-24 такси машинасини тўх-татиб, ичидеги йўловчининг тинтув қилинганда 1,3 кило-грамм кўкнори топилди.

Сирдарё райониде яшовчи Неъмат Усмоновнинг ёнимдан яна 7281 сўм пул ҳамда икки-та иғмаси билан шприц чиқди.

★ ҒАЛАБА РАЙОНИ. Р. Эш-муҳамедов илгари ҳам суд-ланган. Аммо у қинғир йўлдан қайтмади. Ярим тунда Ленин номи колхозда яшовчи И.

Хваннинг уйига деразадан ошиб тушиб, унга пичоқ билан тан жароҳати етказди ва зира-ги, тилла занжир, никоҳ узугини олиб чиқиб кетди. Эр-талаб етилларда Ленин номи маданият уйи музикачиси О. Килининг ҳовлисида пайдо бўлди. Қирқма миллитин ўқ-талиб, «Восход-3» мотоцикли-ни миниб юнади. Соат сан-киз яримларда эса колхоз аъзоси Р. Теннинг уйига кириб, пул талаб қилди. Уя эгаси қар-шилик кўрсатганда қирқма миллигидан ўқ узиб, унинг

қўлидан яралади ва кўздан го-йиб бўлди.

Тўрт-беш соат давомида шунча отир жиноятларни со-дир қилган газавданнинг қўлга тушмай қолшин мумкин эмас эди. Милция. Ходимларнинг актив ҳаракатлари билан хавф-ли жиноятчи қўлга олинди. Уни тинтув қилинганде 18 калибрли қирқма миллий стволнинг қолдиқлари, учта ўқ, 300 грамм наша ва қўбўла пичоқ топилди. Ўғирланган мотоцикл эса аксининг уйдан чиқди. Аксис бунинг ўғирлик молли-гини билмас экан.



АКС-САДО • АКС-САДО

БИР ОҒИЗ ШИРИН СЎЗ

Аёлининг вазифаси эркакнинг қалби шу урини, ундаги олжаноҳ эҳтиросларни алағлатиш, бурч туйғуси ва юксаклик ҳамда буюкликка бўлган интилишни қўллаб-қувватлашдан иборатдир — аёлининг қисмати шу ва бу қисмат буюк ва муқаддасдир.
В. Г. ДЕНИСКИН.

Келин. Оддийгина бу сўз замирида оқила аёл, вафодор ёр намоён бўлади. Лекин бегона уйга бориб, шу хонадонга меҳр қўйиб кетишини ўзи бўлмайди. «Эркаклари ҳам авайлайлик» — матерналидиги Нигора билан Гулчехра ҳам келин бўлиб, янги оиладагиларнинг меҳрини, муҳаббатини қозониш, қолаверса ўзаро ҳурмат, тотувлик бўлишини истишбидими, дедан улар яхши келин, садоқатли ёр бўла олишади.

Мен бир оилани биламан. Оила бошлиғи Босиқ Абдураулов зукко инсон, яхши, фидокор колхозчи. Келинини райондаги Келинин номли колхозда ҳамма уни ҳурмат қилади. Чунки каттага ҳам, кичикка ҳам ўзига яраша муомалада бўлади. Ҳеч кимнинг кўнглини қолдирмасликка ҳаракат қилади. Қўлларидан келмайдиган иш йўқ. Ахир халқимизда «Йигит кишига қирқ хунар ҳам оз» дейишадди-ку. Ёшлари қарийб олтимишда. Лекин уларни кўрган киши қатор набираларнинг буваси деб сира уйламайди.

— Тетик, ёш кўринишингизнинг сабаби нимада? — қизини деб сўраймиз.

— Келиноингиз яхши-де, — дейдилар ҳазилнамо.

Бу гап замирида ҳақиқат бор. Фарзандлар ташвиши, уй-юмушлари... Моҳира опа ҳаммасига улғуради. Уғил-қизларининг «адажон», «ойижон» дея айланб-ўргилиши, кўча-кўйдаги хулқ-атвори киши эътиборини тортади.

Бу оиланинг тинч-тотувлиги аввало ота-онанинг бир-бирига самимий муомаласидан, қолаверса бир-бирини тушуниш, бир-бири учун яшашлигида бўлса керак, деб ўйлайман.

Умуман эркаклариимизнинг ижтимоий активлиги, оилапарварлиги, самимийлиги, энг муҳими, сихат-саломатлиги ўзимизга боғлиқ.

Эркакларнинг жамиятда ҳам, оилада ҳам ҳеч ким боса олмайдиған ўз ўрни бор. Биз аёллар уларни асрашимиз лозим. Келинг, эзилар, суянган тоғларимиз, севишли эркаклариимиздан бир оғиз ширин сўзимизни аямайлик!..

М. ОБИДОВА.

ГУРУНГАДИ ҲАҚ ГАПЛАР

Уктамхон опа Жумабоева хонадони чарогон. Келинлари, қизлари она хизматида.

— Ойижон, дугоналарингиз қачон келишадди? — сўрайди қизлар.

— Ҳали замон келиб қолишди. Бўла қолинлар, қизим, манави сомсани ўраб қўйинлар. Келишлари билан дастурхонга тортасизлар...

Ҳадемай катта хона гавжумлашиб кетди. Меҳмон аёллар ҳол-аҳвол сўрашадилар.

Уктамхон опа мени ҳам ичкарига бошлайди:

— Бир-биримизникига меҳмон бўлиб бориб, гурунг ўтказишни бир неча йилдан бундан одат қилганимиз. Орамизда Қажрамон оналар, меҳнат ва таванлари, илғор колхозчилар ва ишчилар, уй бекалари бор. Ҳар гал турли маззуларда сўхбатлашамиз. Кўпроқ бола тарбияси, қайнона-келиндилар муносабати ҳақида баҳслашамиз. Мана бугун сизнинг ҳам қатнашаватганингиздан ҳурсандимиз...

Уйга киришимиз. Онахонлар жой олишган. Битта ўрин бўш. Шу пайт Турсуноя опа Рустамова кўриндилар.

— Узр, набирам Динараҳон келганди. Эварам ҳамон парҳезда-де, — дейдилар хижолат бўлгандек.

Султон АҚБАРИЙ

ОШИҚ ИЛГАРИДАН БИР КЎҲНА ҚЎШИҚ

Етти пушти шоир бўлади чечан,
Бекорга ўтламас сўз тусин билган,
Эргаш Жуманбулбул ўғли деб экан:
Ошиқ илгаридан бир кўҳна қўшиқ.

Ойқиз деса ўсиб қопти мўйловинг,
Менинг тўшим сенинг домм яйловинг,
Биздан бошқага тушмасин жилловинг,
Ошиқ илгаридан бир кўҳна қўшиқ.

Кўлда суҳсур бирла сўна ўйнагай,
Суралай ғоз кўна-кўна ўйнагай,
Булбул гўлга дўна-дўна ўйнагай,
Ошиқ илгаридан бир кўҳна қўшиқ.

Тутнинг маржонига экинг балхини,
Шарафларман масъуд ёшлик халқини,
Ҳар сатримда ахду вафо талқини,
Ошиқ илгаридан бир кўҳна қўшиқ.



★ Янгийўл шаҳридаги 11-музыка мактабининг фортепиано бўлими мудири Татьяна Бобровицкая болаларнинг мурғак қалбига музикага меҳр-муҳаббат уйғотиш, уларни санъатнинг сеҳри оламига олиб киришга бутун билими ва маҳоратини сарфлаб келимиз. СУРАТДА: Т. Бобровицкая 5-синф ўқувчиси Амали Фозилова билан машғулот ўтказишда.

Р. Галиев фотоси.

БАЙРАМ НАФАСИ

ДАВРА ТҮРИ АЁЛЛАРГА!

Улар билан биз Тошкент район хотин-қизларининг 8 Март байрамга бағишланган кечасида танишдик. Уруш ва меҳнат вақтлари район кенгашининг раиси Роза Усмонова шу бегубор кунларда ўзининг олтиминчи баҳорини қаршилайпти. Тантанана йиғилганлар Роза опани турфа гуллар тўтиб, чин қалбдан қўтлашди. Ҳакима Юсупова эса узоқ йиллардан бери райондаги 7-мактабда муаллимлик қилади. Унинг кўксини Меҳнат Қизил Байроқ ордени безаб турибди, ўзи район хотин-қизлар кенгашининг раиси ҳамдир. У байрамга йиғилган илғор жамоатчи опа-сингилларга, район хотин-қизлар кенгашининг Фахрий ёрликларини топширди.

Байрам тантанасида райондаги Ленин номли колхозининг «Алёр» фольклор ансамбли онахонлари хизмат қилди. Улар иккю этган яллаю-лапарларини барча олқишлаб қарши олди. Район бадий ҳаваскорлари ҳам ўзларининг энг яхши қўшиқларини давра тўридан жой олган онахонларга бағишладилар.

8 Март байрамга бағишланган ана шундай тантаналар об-ластимизнинг барча шахар ва районларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

— Бу дейман жуда кўпайиб кетди-ку сариқ касали. Қим билан гаплашманг хасратидан чанг чиқди. Наҳот олдинки олиш шунчалик қийин бўлса? Тагин қайталаганини айтмай-сизми? — суҳбатга қўшилди Ҳанифа опа Исmoilова.

— Ҳайронман, — дейди Инобат опа Муродова, — ахир ҳар йили институт ва техникумларни қанчадан-қанча ёшлар битириб, врач бўлишарди. Касалхоналарда шифокорлар етарли. Нега улар қураётган муолажаларнинг нафси бўлмапти? Иллат нимада?

— Нимасини айтасиз, — деди Турсуноя опа. — Едингизда-ми, бутун бошли кишлоғимизда бир-йўри битта врач, битта ҳамшира бўлади. Ушанда мен ҳам ҳамшира бўлиб ишлаганман. Сариқ касали нима, Фикрмасдик. Ҳозир бўлса...

Фикрмасдик, касалнинг кўпайишига ўзимиз кўпроқ сабабчи бўляпмиз. Касалхоналарда озода-гарчиликка, тартиб-қондага яхши риоя қилинмайди.

— Ҳақ гап, — маъқуллади Ҳалима Искандарова. — Менинг ўзим бу касал билан икки марта оғридим. Набирам Сёрдоржонни айтмай-сизми? Оржоникиде район оқулими касаллигини шифохонасида узоқ даволанди. У ерда чиндан ҳам санитария хизмати

яхши эмас. Касалхона ифлос, беморлар тикилиб, димикиб ётишибди. Бу аҳволда улар қандай қилиб тезроқ тувалишади. Етишмайди, деб битта шприц билан бир неча беморни эмлашди. Ҳаммаёқни сувараклар босиб кетганини айтмай-сизми!

Бундай касалхонадан дәрдин қувиб юбориш қийинда, албатта. Шунинг учун беморлар қайта-қайта касалхонага келишга мажбур бўлмоқдалар. Балки ишни яхшилашга ҳалақат бераётган тўсиқлар бордир. Бўлса яширишмасин, очигини айтишсин! Мутсадди ташкилотларни бундан ҳабардор қилишсин. Биргалашиб ҳаракат қилиш керакда, ахир...

Ҳа, Оржоникиде райондаги Дўрмон кишлоғи аёллари гуруннинг фикри шундай. Уйлаймизки, район ва область соғлиқни сақлаш бўлими, район ва область санитария-эпидемиология хизмати раҳбарлари эътирозлардан тегишли хулоса чиқариб оладилар ва сариқ касаллигини, айнисика, болалар ўртасида тарқалишининг олдини олиш учун кескин чора-тадбирларни кўрадилар.

Р. ЙУЛЧИЕВА,

«Тошкент ҳақиқатининг махсус мухбири».

ХАТ ВА ШАРҲ

ҲОМИЛАДОРЛАР ПАРҲЕЗИ

Хурматли редакция!
Мен ҳомиладорлик даврида аёллар ниятларини истеъмол қилиш, қандай овқатланиш лозимлиги ҳақида билмоқчи эдим...
С. ОМОНОВА,
Тошкент шаҳри.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов районидagi 8-поликлиника акушер-гинеколог А. МАТЧОНОВА бу саволга қуйидагича жавоб беради:

— Аёллар организмиде ҳомиладорлиқнинг дастлабки давридаёқ турли-туман ўзгаришлар содир бўлади. Нумладан, уларда модда алмашинуви ўзгаради.

Ҳомиладорлик даврининг нормал ўтиши ва ҳомиладорнинг тўғри ривожланиши учун овқатланиш режимида қатъий риоя қилиш жуда зарур. Овқат витаминларга бой, калорияли бўлиши керак. Айнисика, бунга ҳомиладорлиқнинг сўнгги босқичида катта эътибор бериш лозим. Бунда кунига оз-оздан, тез-тез 5—6 марта овқатланиш тавсия этилади.

Ҳомиладорлиқнинг дастлабки босқичида кўпгина аёллар кўнгил айнаш, таъм сезмаслик, қайд қилиш каби ҳолларни бошдан кечирадилар. Иккинчи босқичда эса ҳомиладорнинг тез ривожланиши натижасида аёл организмизини зўриқади. Шунинг учун бу даврда ҳомиладор аёл овқатланишда меъёрга эътибор бериши даркор. Тўғилти таомларни ҳафтасига бир-икки бор истеъмол қилса бўлади. Суюқлик истеъмол эса кунига 4—5 стакандан ошмаслиги керак. Шўр ва ачинқ маҳсулотларни тановул қилмаслик зарур. Шунингдек, алкоғолли ичимликлар (арақ, вино, пиво кабилар)ни ичиш ман қилинади.

Ҳомиладор аёлларнинг қорни тез-тез дам бўлиб туради. Шунинг учун уларга қаттиқ ёки кефир ичиш, арталоб оч қоринга ҳўл мева ва сабавот (олма, олхўри, қизил сабзи) еиш тавсия этилади. Шунингдек, тухум, сутли маҳсулотлардан сузма, пишол, сут, қаймоқ, сариёғ, умуман кунига 100—110 г миқдорда турли ёғлар истеъмол қилиш лозим.

Ҳомиладор аёлларда баъзи моддаларга эҳтиёж туғилиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда ана шу моддаларга бой таомлар, озиқ-овқат маҳсулотларини тановул қилиш тавсия этилади. Хусусан, фосфор — ёнғоқда, нонда, сутда, гўштада ва жигарда бўлади. Магний ва темир моддалари эса бугдой ва арпа ёрмасида, балиқда учрайди. Лавлаг, нўхат, қулнавай, қизил смородина эса кобальт манбаидир.

Бундан ташқари ҳомиладор аёлларнинг ҳар хил витаминлардан истеъмол қилиб туриши ҳам фойдадан холи эмас.

ҲОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

● Кўнактарини узоқ сақламоқчи бўлсангиз, уларни олдин яхшилаб ювинг ва матога ёйиб қўрингиз. Шундан сўнг қопқоғи эич ёпиладиган шиша банкага жойлаб, холодильникка

ка қўйиб қўйсангиз анчагача тураверади.

● Ортиқча 200 калорий — бу 100 грамм нон, 2—3 та конфет, ёки 50 грамм тортининг кучи дегани. Ана шу

миқдорда организмда орттиқча калорий тўпланса, кунига 20 граммдан ёғ йиғилади, деган гап. Мана энди ҳисоблаб кўринг: бир ойда бу ракам 600 граммни ташкил қилса, бир йилда 7 килограмм бўлар экан...

ВАЪДАДАН ЧАРЧАДИК



Улуғ мутафаккир, табобат султони Абу Али ибн Сино агар Ер юзидан чанг, заҳарли чанглар бўлмаганда одам минг йилдан ҳам кўп яшар эди, деган экан.

Ҳа, инсон яшаб турган муҳитнинг тоза бўлиши одам саломатлигининг асосидир. Атроф-муҳит ифлос бўлса, ҳавода заҳарли моддалар миқдори ошиб кетса, бу инсоннинг кайфиятини хира қилибгина қолмай турли касалликларга ҳам чалинтиради. Атрофни ифлослантириб, дилни хира қилган манбаларнинг бири Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металл комбинатининг 4—5-цехларидир. Бу цехлар бир неча йилдан бери атроф-муҳитга заҳарли тўтун таратиб келади. Бу ҳақда маҳалла аҳли бир неча йилдан бери тегишли ташкилотларга ару-ҳол қилиб келмоқда. Лекин ҳеч қандай ўзгариш бўлмапти. Комбинат директори К. Мақсудов-

га кўп марта мурожаат қилдик. Лекин у қуруқ ваъдадан нарига ўтмаяпти. Цехлардан эса ҳар кун оқ, кўк, қизил, қора рангли тўтунлар чиқиб, Октябрь, Кангли, Троицк, Колхоз кўчаларини, улардаги хонадонларни буркаб олади.

Бундай аҳвол қачонгача давом этади? Бефарқлик, бепарволик, лоқайдлик ҳам эми билан-да. Наҳотки, бизнинг арзу-додимизга ҳеч ким қўлоқ солмас? Наҳотки, шаҳарда, қолаверса областда шундай номаъқулликка қарши чора кўрадиган ташкилот топилмас. Биз ваъда эшитавериб чарчадик. Мутасадди ташкилотлар амалий чора кўришларини, оилаларимизни шундай заҳарли тўтунлардан муҳофаза қилишларини талаб этамиз.

Октябрь маҳалла аҳли номидан
У. ҚУРҒОНОВ,

Оржоникидзе районидagi 2-кечки мактаб ўқитувчиси.

СУВ ҲАВЗАЛАРИ МУСАФФО БЎЛСИН

«КАЙКОВУС»ДА ХАШАР

БИЗ ОКТАБРЬ районидagi Қаҳрамон маҳалласида яшовчи аҳоли газетангиз орқали барча Тошкент шаҳри аҳолисинга мурожаат этиб, пойтахтимиз территориясидagi сув шохобчаларини умумхалқ ҳашари билан тозалашга чақирамиз. Кайковус каналининг бизнинг маҳалладан ўтувчи қисмини тозалашни маҳалла аҳолиси ўз зимманига ола-миз. 600 йилдан ортиқроқ вақтдан бери тошкентликларга хизмат қилаётган бу

канал афеуски, ҳозирги пайтга келиб, ифлосланиб, суви ичиш, ҳатто сугориш учун яроқсиз ҳолга келиб қоляпти.

Сув — бу ҳаёт манбаи. Ариқларимиздан сув тўлиб оқса, шаҳримиз кў-каламзор, ҳавоси мусаффо бўлади.

Маҳалла аҳолиси номидан

А. БОЛТАБОВЕ, И. УСМОНОВ,
И. ИСРОИЛОВ, Қ. ДАМИНОВ ва
бошқалар.

РЕДАКЦИЯГА келган мактубда кўтарилган масала шу кунлар учун долзарб, айна пайтда мушоҳада учун мавзу ҳам бўлди. Гап Кайковус канали ва унинг тақдири ҳақида бўлгани учун ҳам аҳамиятли эди.

Бир вақтлар эски шаҳар аҳолисининг кўп қисмини зилот сувидан баҳраманд этган канал бугунги кунга келиб жиддий ёрдамга муҳтож бўлиб қолди. Кайковус канали тўғрисида «Тошкент» энциклопедиясида шундай маълумот бор: «Кайковус — Бўзсувнинг ўнг қирғоқ оқимида сув олади. Шайхонтохур ГЭСининг юқори қисмида бошланиб, узунлиги 5,3 километрни ташкил қилади. Собир Раҳимов ва Октябрь районлари терри-торияларидан оқиб ўтадиган бу канал Янги ва Жангоб ариқларига бўлинади. Фор-

бий проспектидан ўнг томонда Чигатой, чап томонда эса Кўкча каналларига аж-раллади. Сувнинг сарфи се-кундига 40 куб метр. Суго-риладиган майдони 4300 гектар».

Не-не тарихий жараён-ларнинг тирик гувоҳи бўлган канал бугунга келиб энг ифлос, турли-туман ахлат-чиқиндилар, тонналаб те-мир-терсак уюмлари билан, булганган, ночор аҳволга тушиб қолди. Бу энг аввало ўша сув ёқасида истиқо-мат қиладиган одамларнинг бепарволиги, айрим ким-саларнинг диньатсизлиги, унинг атрофидаги ташкилот-лар, муассасалар раҳбар-ларининг лоқайдлиги оқиб-атида содир бўлди. Улар, айтишга тил ҳам бормаиди, энг ифлос чиқиндиларини, ҳатто канализацияни ҳам каналга бемалол оқизиб

қўйишган. Агар канал ёқа-дан юрсангиз санитария-гигиена талабларига ниҳо-ятда зид манзарага дуч ке-ласиз. Аҳвол шундай давом-этакверса шаҳримиз кўр-ки бўлган бу кўҳна каналдан тўлиб-тошиб зилот сув оқ-қан замонар ҳам тарих бў-либ қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Масала ниҳоят даражада жиддий тус олгандан сўнг-гина канал атрофидаги Қаҳ-рамон маҳалласи жамоати бир ёқадан бош чиқариб, яқинда умумхалқ ҳашарини уюштирди.

Қаҳрамон маҳалласи аҳо-лиснинг бу ҳайрли ташаб-буси бошқа маҳаллаларда ҳам кўллаб-қувватланмоқ-да. Бу тақдирга сазовордир. Ҳумуладан, Собир Раҳимов районидagi «Правда» маҳал-ласи аҳолиси қаҳрамонлик-ларнинг ибратли ташаббуси-га бажонидил қўшилди. Рай-ондаги Қизил кўприк, Ха-санбой, Гайрат, Крупская, Қўштут, Иттифоқ, Янги тур-муш, Коминтерн маҳалла-лари меҳнатчилари ҳам та-шаббускорлар изидан бо-ришга қарор қилдилар. Ҳо-зир ишлар биров сустлик би-лан бўлсада олиб борилмоқ-да.

Қишнинг қировли кунла-ри ортада қолди. Кўнла-м на-фаси уфуриб турибди. Де-мак, тоғ-тошларда қорлар эриб, ариқлардан тўлиб сув оқадиган кунлар ҳам яқин. Орада озгина фурсат қолди. Энди қолган ганимат кун

ларнинг қадрига етиб, канал бўйидаги аҳоли ишга янада жиддийроқ киришади, де-ган умиддамиз. Бунда улар-га шаҳар сув ҳўжалиги идо-раси, район ободонлаштириш бошқармаси ва «Автодор-мехбаза» раҳбарлари ёрда-ми ҳар томонлама кенгайти-ришлари, айнакча биринчи навбатда зарур машина-ме-ханизмлари ажратилари ло-зим. Кайковус ўз нетамати билан яна хонадонларга оби-ҳаёт улашса, шаҳримизни кўкаламзорлаштиришга кўп-роқ хизмат қилса айнаи му-дао бўларди.

Кайковус канали атрофи-даги маҳаллалар аҳолиси-нинг иши ҳамма учун ибрат бўлсин. Уни қўллаб-қувват-лаш ва шаҳримиздан оқиб ўтадиган бошқа барча канал-ларда ҳам шундай ҳашар-лар уюштириш керак. Чун-ки, сув инсон учун ҳаётий зарурат экан, у шарқираб оқиб тургандагина эсам, ай-ниқса, ахлатларга, турли са-ноат чиқиндиларига бағрини тўлдириб, равон йўлини тў-сиб қўйган ботқоқ, бўтана пайтларида инсонга, унинг мурувватли меҳрига мунта-зир бўлади.

Ҳар биримизнинг ёнгина-миздан оқиб ўтадиган кат-таю кичик ариқларини тоза, мусаффо сақлайлик. Бунинг учун масъул идоралар бор, бу уларнинг иши деб, бугун-ги ишни эртага қолдирмай-лик, бефарқлик қилмайлик. Акс ҳолда, кеч бўлади. Кейинги афеус эса бефойда. Шундай экан, Тошкентда яшаётган ҳар биримиз оби-ҳаёт йўлларини тоза бўлиши ҳақида тинмай қайғурайлик.


М. МИРАЛИЕВ,
Д. АХМЕДОВ.

● Суратларда: Кайковус каналининг тозалашдан ол-дин ва ҳашардан кейинги аҳ-вали.

Автор фотолари.



УЛКАМИЗ ПАРРАНДАЛАРИ



КИЧКИНА ДЕМАНГ БИЗНИ...

Езу киш унинг «чурк-чурк»ни кўчаларда, даракларда, ҳўлинигизда эшитасиз. Чум-чўк булбуллар, беданаларга ўхшаб қишда бизни ташлаб, иссиқ иқлимли ўлкаларга учиб кетмайдн, ҳамиша биз билан!

Эсингизда бўлса керак бир вақтлар Хитойда «сен туфайли номимиз яримта бўляпти» деб уни қиргинга учратишди: 11—13 миллилард пяррандани йўқ қилиб ташлашди. Аммо, орадан биров вақт ўтган, бош-қа давлатлардан сотиб олиб кўпайтиришга мажбур бўлиш-ди. Чунки чумчўқсиз табиятда ҳашоратлар кўпайиб, дон хо-силли кескин камайиб кетди. Ҳа, чумчўқ ризсини ҳалоллаб ейди, еган дон эвазига экин-ларини ҳашоратлардан тозалаб беради.

Табиятда ҳамма нерса бир-бирига боғлиқ, мувозанат шар-онтида туради. Демак, таби-атга чумчўқлар ҳам керак. Унинг оғирлиги 25 граммдан ошмайди, аммо кунига энг ка-мида 50 грамм овқат ейди, чунки ўзининг доимий 40 гра-дусли ҳароратини сақлаш ва чаққон, ҳаракатчан бўлиши учун шундай қилади.

Ҳамма вақт дон чўқишга шай бўлса-да, дон ё нон ушогини топса дарров қизганмай шер-икларини чақиради, топган нарсасини бегона пополаонлар-дан аямайди. Бундай хотамтой-лик бошқа паррандаларда эса йўқ. Чумчўқлар ҳам табии-миз кўрки. Шаҳардаги бетон уйларида ораларига «чурк-чурк»лаб фэйз бағишлайди, бо-гу роғларимизни, бугдойзорла-римизни ҳашоратлардан ҳимоя қилиб, ҳосилни сақлашга ҳис-са қўшади.

Ғ. ЖУРАЕВ.

ҲИДСИЗ САРИМСОҚ ПИЕЗ

Японияда ҳаридорларга «доктор Сейко» деб номлан-ган гаройиб саримсоқ пиёз сотиб олишни таклиф қила бошладилар. Шундай экан унинг оддий саримсоқдан қандай фарқи борлиги ҳам-мани қизиқтирса керак. Таш-қиб кўринишидан ажратиб бўл-майди, таъми ҳам бир хил. Бироқ, ажойиб «фазилати» бор. Уни тановул қилган кишидан саримсоқ пиёз хиди келмайди, ҳеч қандай таъсир этмайди.

«Санко» ва «Мицуи» ком-паниялари шундай янги ги-брид пиёзни етиштириш техно-логиясини ишлаб чиқдилар. Бу жараён жуда оддий: янги узилган саримсоқ пиёз бошини махсус кислотали ҳоришмада 2—3 кун сақланади. Натига-да пиёзнинг кўпчилиги учун жуда ноқулай бўлган ва оғиз бўшлиғидан упуриб турадиган хид манбаи — энзима ўлдири-лади. Бироқ, бу технология саримсоқ пиёзнинг таъмига

ЕР ЮЗИДА ЭНГ КЕКСА

Қитъамиздаги хотин-қизлар ўртасида энг кўп умр кўрган киши Боливиялик Мануэла Пенъярада бўлса керак, деб тахмин қилмоқдалар. Бу аёл бундан роппа-роса 153 йил ав-гари Ла-Пас шаҳрида таваллуд кўрган.

Яқинда Боливия телевиде-ниеси Мануэлага махсус кўр-сату бағишлади. Тузилган ко-миссия узоқ умр кўрган аёл билан батафсил суҳбатлашиш-

га тайёрланмоқда. Боливия-лик бу қариянинг Гиннес ре-кордлари китобига кириши-қирмаслиги ҳақидаги масала-нинг ҳал қилиниши шу комис-сиянинг ҳулосаси (кўп ҳоллар-да алдашлар бўлганлиги маъ-лум)га боғлиқ бўлади.

РИВОЯТ АСОСЗИЗ ЭКАН

Австралиялик зоологлар туя-қушлар билан боғлиқ бўлган ва ҳаммамиз ҳеч иккиланмай ишониб юрган бир ривоятнинг

ассоссиэ эканлигини исботла-дилар.

Боғлария Халқ Республика-сида нашр этиладиган «Кос-мос» журналининг хабар бе-ришича, туяқушлар кўрқани-дан бошини кўмга берикт-мас экан. Фермаларнинг ҳи-рида ўтказилган илмий куза-тувлар шуни исботладик. паррандалар дунёсининг бу энг йирик вакили узун бўйи-нинг мушаклари дам олиш учун бошқини эгар экан.

Душанба

7 МАРТ

● МТ-1

8.30 Янгилыклар. 8.45 Енгил атлетика. 9.45 «Қишлоқда содир бўлган воқеа». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 10.05 Ҳужжатли фильм. 10.30 «Камалак». 10.55 «Евфратдан космик орбитагача». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 11.45 П. Дворский ишторкида музикали программа (ЧССР). 12.40 «Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун». 13.15 «Ҳамма нарсани биллишни истайман!». Киножурнал. 13.25 «Қайта куриш прожектори». 13.35 «Кресло», фильм-спектакль премьераси. 15.55 «Билса ҳазил, билмаса чин». Сатирик кўрсатув. 16.35 Томошабинларнинг талаблари бинаои. «Ердаги ҳаёт». Кўп серияли телевизион илмий-оммабоп фильм (Англия). 1-серия. 17.30 Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан. «Коммунист». Бадий фильм. 19.30 «Экран» иккинчи уюшмасининг мультфильмлари. 20.00 «Қалбдан қалба». Москва — Токио телекўприги. 21.30 «Время». 22.05 Катталар учун мультфильмлар. 22.40 «Савойедаги зияфат». Телевизион бадий фильм премьераси. 1 ва 2-сериялар («Таллинфильм»).

● МТ-2

15.30 «Қайта куриш прожектори». 15.40 «1987 йил қўшиқлари». 17.25 Мультфильмлар. 17.40 «1987 йил қўшиқлари» (давом). 19.40 Ҳужжатли фильмлар премьераси. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 «Самарқанднинг мовий гўмбазлари». Телефильм. 21.00 Ҳужжатли фильмлар экран. 21.30 «Время». 22.05 Футбол. СССР чемпионати. «Динамо» (Тбилиси) — «Жальгирис». 2-тайм. Тбилисидан кўрсатилади. 22.50 Янгилыклар. 22.55 «Уч плюс икки». Бадий фильм.

● УЗТ-1

8.00 «Ассалому алайкум». Информацион-музикали программа. 9.30 «Аёл отга минганда». Бадий фильм («Труханфильм»). 11.00 Болалар учун телетеатр. 12.10 «Дўстларимиз тароналари». 12.50 «Спортивный Узбекистан». 13.20 «Камалакнинг етти жилдоси». 13.50 «Театр ва замон». 14.00 «Ешлик» студияси кўрсатади. 17.55 Мультфильмлар. 18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Дилдан қўйлаб, ўйна қўнаб». ҚАССР ва республика областлари болалар бадий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион фестивали. Экранда — Тошкент области ёшлари. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Муз майдонида». Цирк программаси. 20.15 «Сантат оламида». 20.30 «Ахборот». 20.50 Телефильм. 21.10 «Умрга тенг бир кеча». 21.30 Москва. «Время». 22.05 Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган байрам концерти.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ
УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Қўшиқ билан стартга чиқамиз». Фильм-концерт. 20.20 «Эгалар бахти». Бадий фильм («Ўзбекфильм»).

ДУШАНБА КўРСАТАДИ.

Сешанба

8 МАРТ

ХАЛҚАРО ХОТИН-
ҚИЗЛАР КУНИ

● МТ-1

8.30 Янгилыклар. 8.45 Ҳужжатли фильмлар премьераси. 9.25 Байрам концерти. 9.50 «Аёллар либоси». Ҳужжатли фильм («ЛСДФ»). 10.10 «Шеърят лаҳзалари». 10.20 Болалар учун фильм. 11.30 «Она қалби». 12.50 Тележурнал. 13.20 «Қўқ қўш». Фильм-балет. 14.45 «Сна бунга қодирсиз». 15.30

Фильм-концерт премьераси. 16.00 Мультфильмлар. 16.30 «Катталар ва болалар». 17.30 Экранда — кинокомедия. 19.10 «Навбат сизга артист». А. Аюпова. 19.30 Музикали программа. 21.30 «Время». 22.05 «Гаройиб концерт». 23.35 «Нигоҳ».

● МТ-2

13.30 Жаҳон халқларининг ижоди. 14.25 «Сени севаман ҳаёт». Телевизион фотоконкурс ҳақида. 14.40 «Аншла!» фильмлар. 15.40 Мультфильмлар. 16.00 Хоккей. СССР чемпионати. «Спартак» — МАСК. 18.15 Фильм-концерт. 19.05 «Денгизда капитанлар». 19.45 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.00 Футбол СССР чемпионати. «Днепр» — «Динамо» (Киев). 2-тайм. 20.45 «... 16 ёшгача ва ундан катталар». 21.30 «Время». 22.30 «Эркаларни асранг». Бадий фильм («Мосфильм»). 23.20 Янгилыклар.

● УЗТ-1

8.00 «Ассалому алайкум». Информацион-музикали программа. 9.30 «Сакизоёқиллар». Мультфильм. 9.40 Болалар учун. «Онамларнинг байрами». 10.10 Фильм-концерт. 10.40 Телевизион миниатюралар театри. 11.40 Экранимизда биринчи марта. «Томошабинлар эркатойи». Бадий фильм. 13.00 Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. «Паранжи сирлари». Муқимий номидаги ўзбек Давлат музикали театрининг спектакли. 17.50 Мактаб ўқувчилари учун. 18.30 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Иқбол». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Иқбол» (давом). 20.30 «Ахборот». 20.50 Адабий театр. Зулфия. 21.20 «Баҳорги кинокузатишлар». 21.30 «Время». 22.05 «Аёл гўзаллиги олами беэар». Байрам музикали программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ
УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Дон Кихот фарзандлари». Кинокомедия. 20.40 Катталар учун мультфильмлар. 21.05 Фильм-концерт.

Чоршанба

9 МАРТ

● МТ-1

7.00 «120 минут». 9.05 «Готвальд». Беш серияли телевизион бадий фильм премьераси. 1-серия. 10.30, 16.00 Янгилыклар. 16.10 «Қайта куриш прожектори». 16.20 Қўйишев телевидение студиясининг программаси. 16.55 «Агростановнинг ишлари ва ташвишлари». 17.55 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Б. Феоктистов чалади (балалайка). 18.20 Иқтисодий билимлар асослари. 18.50 «Янги уй». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Тошкент). 19.10. «Мўъжизалар». Мультфильм. 19.20 «Фидоий шахслар». 20.05 «Готвальд». Беш серияли телевизион бадий фильм премьераси. 1-серия — «Бош секретарь» (1928 — 1929 йиллар). (ЧССР). 21.30 «Время». 22.05 «Қайта куриш прожектори». 22.15 «Сарой майдони этюдлари». 23.25 «Раймонд Паулс таништиради».

● МТ-2

13.40 «Шаҳарлар ва йиллар». 14.20 В. А. Моцарт. 14.55, 18.35 Янгилыклар. 18.45 «Музикали кинос». 19.15 Ичкиликбозликнинг зарари ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 19.40 «Тален-қуш» фильмкор этнографик ансамбли ижро этади (Кишинёв). 19.55 «Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун». 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Реклама. 20.50 П. И. Чайковский номли халқаро конкурс лауреатлари. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта куриш прожектори». 22.15 «Якнаю лғона». Бадий фильм. 23.45 Янгилыклар. 23.55 «Тонги почта».

● УЗТ-1

7.00 «Ассалому алайкум».

Информацион-музикали программа. 16.45 ЎзССР тарихи. 17.15 «Оби-шифо». Телефильм. 17.30 Химия. 18.05 «Пионерлар мамлакатда». 18.50 «Яхшидан бог қолди». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Совет Ўзбекистони композиторлари». Б. Зейдман. 20.15 «Қонунчида янгилык». 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбек куйларидан концерт. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта куриш прожектори». 22.15 ЎзТВ фондида. Н. Думбадзе. «Абадият қонуни». Видеофильм. 1-қисм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ
УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Қасба йўналиши: муаммолар, изланишлар, ечимлар» (рус.). 20.05 «Қўчатлар». Бадий фильм («Грузия-фильм»).

ФРУНЗЕ КўРСАТАДИ.

Пайшанба

10 МАРТ

● МТ-1

7.00 «120 минут». 9.05 «Готвальд». Беш серияли телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия. 10.40 «Фидоий шахслар». 11.25 15.50 Янгилыклар. 16.05 «Қайта куриш прожектори». 16.15 «Музикали хазина». 17.00 Тақриба, муаммолар, муқоамалар. «ВАЗ. 1987 йил ёзи». 17.30 Духовий музика концерти. 17.45 «... 16 ёшгача ва ундан катталар». 18.30 «Сиз яратган бог». 19.00 Мультфильмлар. 19.35 «Дунё воқеалари». 19.55 «Готвальд». Беш серияли телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия — «Бу бизнинг мамлакат» (1934 — 1938 йиллар). 21.30 «Время». 22.05 «Қайта куриш прожектори». 22.15 «Ҳамма-си болаликдан бошланади». Ёзувчи С. В. Михалков ижоди ҳақида. 23.10 «Дунё воқеалари». 23.20 А. Петров. «Мастер» ва «Маргарита». Фантастик симфония (М. Булгаковни ўқигач).

● МТ-2

12.10 Испан тили. 13.05 Тақрибий телефильмлар кундузи сеанси. «Сўна». 2-серия. 14.10 Телевизион ҳужжатли фильмлар премьераси. 14.35, 18.30 Янгилыклар. 18.40 Фин баянчи. лари билан учрашув. 19.30 «Қишлоқ янгилыклари». 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Ритмик гимнастика. 21.15 Халқ куйлари. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта куриш прожектори». 22.15 «Яшаш муҳити». Телевизион бадий фильм премьераси. 23.25 Янгилыклар.

● УЗТ-1

7.00 «Ассалому алайкум». Информацион-музикали программа. 16.45 Физика. 17.15 Телефильм. 17.25 «Қизикчи-лар экран». 18.00 «Ешлик» студияси кўрсатади. 19.00 КПСС Марказий Комитети февраль (1988 й). Пленум қарорлари — ҳаётга. «Қайта куришнинг мафкуравий замин». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.50 Эстрада концерти. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Ранглар гулдастаси». 21.20 «Хуш келибсиз!» Телефильм. 21.30 «Время». 22.05 «Қайта куриш прожектори». 22.15 ЎзТВ фондида. Н. Думбадзе. «Абадият қонуни». Видеофильм. 2-қисм. 23.35 «Бугун оламда нима гап?»

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ
УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Трансисибир экспресси». Бадий фильм («Қозқфильм»). 21.00 «Шаҳар ташвишлари ва юмушлари». Тошкент шаҳрида уй-жой қуришнинг бош плани ҳақида (рус.).

ФРУНЗЕ КўРСАТАДИ.

Жума

11 МАРТ

● МТ-1

7.00 «120 минут». 9.05. «Готвальд». Беш серияли те-

левизион бадий фильм. премьераси. 3-серия. 11.00 15.50. Янгилыклар. 16.05. Қайта куриш прожектори. 16.15. Мурманск — телевидение студиясининг программаси. 17.15. Халқаро конкурс лауреати М. Байман чалади. 17.35. Москвага борадиган поезд. 17.50. «Нега ва нима учун?». 18.20. Тош девор ортда. Телевизион ҳужжатли фильм. 19.10. Дунё воқеалари. 19.30. «Готвальд». Беш серияли телевизион бадий фильм. 3-серия. 21.30. «Время». 22.05. Қайта куриш прожектори. 22.15. Бир актер театри. 23.15. Дунё воқеалари. 23.25. Интерсигнал. 23.55. «Портрет».

● МТ-2

14.45, 18.35. Янгилыклар. 19.30. Хайвонот оламида. 20.30. Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45. Ҳужжатли фильм премьераси. 21.00. Камалак. 21.30. «Время». 22.05. Қайта куриш прожектори. 22.15. Тонига бонг. Бадий фильм. 23.50. Янгилыклар.

● УЗТ-1

7.00. «Ассалому алайкум». 16.45. ЎзССР тарихи. 17.15. Телефильм. 17.30. рус адабиёти. 18.35. Мультфильм. 18.45. «Чорвадор» программаси. 19.15. «Ешлик» студияси кўрсатади. 19.30. «Ахборот». 19.45. Оҳангларда қалб ҳарорати. 20.30. «Ахборот». 20.50. Оҳангларда қалб ҳарорати. 21.30. «Время». 22.05. Қайта куриш прожектори. 22.15. ЎзТВ фондида. Н. Думбадзе. «Абадият қонуни». Видеофильм. 3-серия. 23.40. Бугун оламда нима гап?

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ
УЧУН ПРОГРАММА

19.30. «Солдат қалби». Бадий фильм. 21.00. Беш йиллик: ишлар ва одамлар. Область халқ контроли комитети. «Тошкент ҳақиқати» газета редакцияси ва Ўзбекистон телевидениесининг биргаликдаги реиди. 21.30. ФРУНЗЕ КўРСАТАДИ.

Шанба

12 МАРТ

● МТ-1

7.00 «120 минут». 9.05 Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 9.35. «Нега ва нима учун?». 10.05. Концерт. 10.40. Ҳужжатли фильм. 11.00. Камалак. 11.30. Ҳужжатли фильм премьераси. 12.00. Ф. Шопен. 12.10. Тележурнал. 12.40. Дунё воқеалари. 13.00. Хайвонот оламида. 14.00. Шанба — ота-оналар куни. 15.30. Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 16.00. Татар композиторларининг куйлари. 16.15. Роман-газета. 17.25. Музикали композиция. 17.55. Халқ дипломатияси. 18.55. Мультфильм. 19.10. Останкино концерт студиясида С. В. Михалков билан учрашув. 20.10. Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари. XX аср бошланади. Телевизион бадий фильм премьераси. 1-серия. 21.30. Время. 22.05. Қайта куриш прожектори. 22.15. Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари. 2-серия. 23.25. Янгилыклар. 23.30. Болгар эстрадаси артистларининг концерти.

● МТ-2

8.30 Эрталабки гимнастика. 8.45 Истиқбол. 9.30 Телевизион театр абонементи. 11.10 В. И. Вернадскийнинг 125 йиллиги. 11.35 Здровье. 12.15 Қайта куриш ва ҳуқуқ. 12.35 Йил фасллари. 13.35 Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан. 14.10 Ҳужжатли фильм. 14.30 Мўъжизасиз мўъжизалар. 15.30 Мультфильм. 15.40 Берлинда меҳмонда. 16.00 Ҳужжатли фильм. 16.30 Бадий фильм. 17.40 Санъат усталари. М. Н. Ермолов. 18.45 Россиянинг музикали уйлари.

20.05. Шингил ҳикоя антологияси. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Киножурнал. 20.55 Реклама. 21.00 Камалак. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Аюйиб кичилар ҳаёти. 23.15 Телевизион ҳужжатли фильм. 23.35 Янгилыклар.

● УЗТ-1

7.00 «Ассалому алайкум». 8.30 Доғистон баҳори. Телефильм. 9.00. Е остида, е устидан. Бадий фильм. 10.35 Элга хизмат талаб ва тақдир. 11.05 Туркистон АССР ва Туркистон Компартияси ташкил тоналанининг 70 йиллиги. Ленин ва Туркистон. 1-қўрсатув. 11.35 Ҳужжатли экран. 12.35 Инсон ва замин. 13.45 Ешлик студияси кўрсатади. 15.05 Харакат ҳавфсизлиги учун. 18.05 Ҳазина. Мультфильм. 18.15 Ўсмирлар учун. 19.00 Сихат-саломатлик. 19.30 Ахборот. 19.45 Тилга эътибор. 20.30 Ахборот. 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Телевизион миниатюралар театри.

17.35 ДУШАНБА КўРСАТАДИ.

Якшанба

13 МАРТ

● МТ-1

8.15 Янгилыклар. 8.30 Ритмик гимнастика. 9.15 «Спортлото». 9.25 «Будилник». 9.55 Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 10.55 Тонги почта. 11.25 «Здровье». 12.05 Саёҳатчилар клуби. 13.05 Музикали кинос. 13.35 Қишлоқ янгилыклари. 14.35 Р. Штрауснинг Наксосдаги Ариадна операси. 17.25 Томошабинларнинг талаблари бинаои. «Ердаги ҳаёт». Кўп серияли телевизион илмий-оммабоп фильм. 2-серия. 18.20 Халқаро панорама. 19.05 «Беҳаловатлик». Телевизион бадий фильм премьераси. 1ва 2-сериялар. 21.30 «Время». 22.00 Футбол. СССР чемпионати. «Спартак» — «Торпедо». 23.00 Москва — Лондон телекўприги. 24.00 Янгилыклар.

● МТ-2

8.15 Зарядкага сафланг. 8.30 Телевизион ҳужжатли фильм. 8.50 Совет поэзияси. 9.25 А. С. Макаренко туғилган кунининг 100 йиллиги. 10.20 «Қасб таянлашда». 10.50 Илмий-оммабоп фильм. 12.05 Саёҳатчилар клуби. 13.05 Фан, назария, тақриба, практика. 13.35 Уй академияси. 14.05 Илмий-оммабоп фильм. 14.25 Мультфильм. 14.35 Мамлакат театрлари намоиш этади. 16.15 Киножурнал. 16.25 Камалак. 17.00 Эстафета. Физкультура-спорт программаси. 18.30 Телевизион музикали абонементи. 19.30 Бир йил ўтди... Лоқинилар оиласи. Америка билан гаплашад. (1987 йил декабрдаги кўрсатув такрорланади). 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Спидей. Жаҳон чемпионати. Финал. 21.15 Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 «Время». 22.00 Чет эл фильмлари экран. 23.15 «Спидей». Жаҳон чемпионати. 24.00 Янгилыклар.

● УЗТ-1

8.00 «Ассалому алайкум». 9.30 Телефильм. 9.55 Биргаликда қўйлаймиз. 10.20 М.Рошнин. «Машъум хато». 12.20 Мактаб ўқувчилари учун. 13.20 «Рассом ва китоб». 13.55 «Нафосат». 15.05 Ёш спортчи мактаби. 16.05 Реклама. 17.35 Мактаб ўқувчилари учун. 18.15 Тошкент ва тошкентликлар. 19.30 «Ахборот». 19.45 Спорт кинопанорамаси. 20.30 «Ахборот». 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.00 «Ахборот» танқид қилади. 22.10 Телефильм. 22.40 Қалб наволари. Ўзбекистон халқ артисти Г. Ёкубов қўйлайди. 17.25 ДУШАНБА КўРСАТАДИ.

СПОРТ

СПОРТ

СПОРТ

СПОРТ

Футбол мавсуми мартда, баҳорнинг дастлабки кунларида бошланади. Бироқ ишчи-боллар учун бу энди аввалгига ўхшаб сабрсизлик билан кутиладиган воқеа бўлмай қолди, чунки кишик танффус чоғида ҳам футбол ҳаёти давом этади. Январда Москва ёки Ленинградда усти ёпиқ сунғий майдонда ўсмирлар терма командаларининг халқаро турнири ўтказиб келинмоқда.

Мамлакатнинг етакчи клублари бу вақтда чет элда халқаро турнирларда ўйнади-лар. Олимпиада терма командаси А. Бишовец раҳбарлигида январь ойида Жавахор-лал Неру хотирасига ўтказилган халқаро турнирда катнашиш учун Хундистонга борди, у ерда сурункасига тўртинчи марта голиб чиқди. Биринчи терма команда В. Лобановский раҳбарлигида февраль ойида Италияда машқ қилди, у ерда бу мамлакат терма командаси билан контроль ўйини ўтказди.

Мавсум оралиғидаги даврнинг яна бир белгиси — совет футболчининг профессионализм принципларига ўтиши муаммолари муҳокамаи давом этганлиғидир. Бунда молиявий ва бошқа жиҳатдан мустақиллик оладиган клуб ўйинчилар ва тренерлар билан ўз муносабатларини шартнома асосига қўради, улар билан контрактлар тузиб, бу контрактларда меҳнат принциплари ва унга қанча ҳақ тўлаш масалаларига эмас, шу билан бирга муносабатларнинг бошқа ҳамма майда-чуйдаларига келишиб олинади.

1987 йилда мамлакатнинг 5 та клуби ўз иштини янгича йўлга солиб қайта қуриши мўлжалланган эди. Уларга бошқа клублар ҳам қўшилиши мумкин эди. Бироқ мўлжалланган эксперимент ривожлантирилмади. Бунинг устига қўзланган янгича усулга ўтишга яхши тайёргарлик қўрилмаган, эҳтимол, умуман унга ҳақ вақт эрта деган фикрлар яна пайдо бўла бошлади. Бу муаммо юзасидан яна қайта баҳс бошланиб кетса ажаб эмас.

Муаммонинг илдизлари шундаки, кўп

клубларнинг раҳбарлари ўйинчилар ва тренерлар меҳнатига ҳақ тўлаш, ўз футбол мактаби, илмий ва аралашчи гуруҳлари ва ҳоказоларни сақлаб туриш учун клубга зарур бўладиган маблағларини мустақил ишлаб топиш имконияти борлигига ишончлари кичик эмас. Танлаган позициясига содиқ қолиб, ўзини ҳужалик ҳисобидаги клуб деб эълон қилган «Днепр»нинг тажрибаси молиявий мустақиллик амалда нима келтиришини кўрсатди. СССР Давлат спорт комитети ҳозир қарамонига футбол клублари бўлган ташкилотлар — касаба союзларининг спорт жамияти, «Динамо» жамияти, Мудоффа министрлигининг спорт комитетига ўз хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳужалик ҳисобидаги клуб тўрисидаги нидом лойиҳаларини тайёрлашни талашди. Эҳтимол, бу кутилаётган натижага берар.

Яна бир муаммо кескинлашиб қолди. Бу муаммо бир тренернинг клуб раҳбари ва терма команда раҳбари вазифаларини қўшиб олиб бориши билан боғлиқдир. В. Лобановский киевликларга ва миллий командага, А. Бишовец Москва «Динамо»сига ва олимпиадачиларга тренерлик қилмоқда. Бундай практика анча илгари тавриб топган ва алоҳида эътирозларга сабаб бўлмаган эди. Тўғри, бундай аҳвол нормал эмас, деган овозлар эшитилиб қоларди, бироқ юқори маънави тренерлар, анкироғи, юксак футбол истеъдодлари етишмаётган шартнома у билан келишиб келинган эди. Баҳс конкрет воқеа юзасидан кучайиб кетди. «Днепр»дан О. Протасов ва Г. Литовченко Киев «Динамо»сига ўтишди. Улар энг нуқул вақтда «Днепр»дан кетишдики, бу эътирозларни кучайтириб юборди. Бунинг устига Бишовец ҳам ўз мавқеидан фойдаланиб, клубни мустақамлаш учун олимпиада терма командасида ўйнаётган Москва «Торпедо»сининг 19 ёшли истеъдодли дарвозабони Д. Харинини ўзига таклиф қилди. Лобановский ҳам, Бишовец ҳам ўйинчилар билан муносабатларда бошқа тренерларга нисбатан

бирмунча қулай аҳволдалар. Улар ўйинчиларнинг ўтишига рухсат берилиши учун фақат клубнинггина эмас, шу билан бирга терма команданинг ҳам манфаатларини рўқча қилишлари мумкин. Бироқ бу сафар Лобановский «Днепр» манфаатларига тегиб қўйди, бу команданинг ишларига ҳозир ҳамманинг эътибори қаратилган, бунинг устига О. Протасов ўтган йил якуналарига кўра СССРнинг энг яхши футболчиси деб танилган. Адолатсизлик аққол қўзга ташланиб қолди.

Бу муаммонинг муҳокама қилиниши дарҳол чоралар қабул қилинишига олиб келмас керак. Ҳар хил вазифаларни ўриндошлик билан қўшиб олиб бораётган Лобановский ва Бишовецни ўзларига қойиб танқид қилишмоқда, бу билан бундай практикага узоқ тоқат қилиб бўлмайди, деб оғохлантираётгандай бўлмоқдалар. Уларнинг муҳолифлари бошланган мавсум биринчи команда учун ҳам, олимпиада командаси учун ҳам низоҳатда масъулиятлигини, шунинг учун тренерларнинг режаларини ҳозир бузиш ўрни эмаслигини тушунимоқдалар.

Иккала команда яхши ниятни кўнглига туғиб мавсумга тайёрланмоқда: биринчиси — Европа биринчилиги финалида, иккинчиси — Соудлаги олимпиадада ўзини кўрсатишди. Тўғри, олимпиадачилар хали Селла йўлланмани қўлга киритишлари керак, лекин улар саралаш турнирида рақибларидан уч очко ўзиб кетиб пешқадамлик қилмоқдалар ва қолган ўйинларни ўз майдонда ўтказадилар. Апрель ойида улар Туркия ва Болгария командаларини, 10 майда эса швейцарияликларни қабул қилдилар. Гарчи футболда ҳамма нарсаси ўзгаришлар киритиши қийин. Назаримда, Бишовец команда билан ишлаётганда ҳозир олимпиада турнирини ҳаёлига келтирмоқда.


(АПН).

В. КИРИЛЛЮК,

«ФУТБОЛ» КРОССВОРДИ

1. Арманистон СССР футбол командаси. 2. Футбол анжони. 3. Машҳур француз футболчиси. 4. Италия футбол клуби. 5. Футбол ўйинидаги қарши команда. 6. Оёқ кийими. 7. Ўзбекистон телевидениесининг футбол шарҳловчиси. 8. Англия футбол клуби. 9. Аргентиналик машҳур ҳужумчи. 10. Футбол матчини кўриш учун берилган муайян ҳужжат. 11. Команда устози. 12. Мағлубиятга учраган команданинг қайта ютуғи. 13. Оёққа зарба тегишдан сақланиш учун ишлатиладиган химоя қалқони. 14. Олий лига футбол командаси. 15. Ҳисоб бирлиги. 16. Ўйиндан ташқари ҳолат. 17. Ҳалабасиз ўйин. 18. Тўпни дарвозага киритилиши. 19. «Зенит» командаси билан СССР биринчилиги олий лигасида қатнашувчи шаҳар. 20. Бир қўр футбол ўйини. 21. Футбол ҳақами. 22. Биринчи лига футбол командаси. 23. Репортажларни эшиттирувчи мослама. 24. Машҳур спорт шарҳловчиси, СССР спорт мастери. 25. «Пахтакор» командасининг собиқ ярим ҳимоячиси. 26. Озарбайжон республикасининг футбол командаси. 27. «Торпедо» командасининг бош устози. 28. XII Жаҳон футбол биринчилигида биринчи тўпни киритган Бельгия командасининг ўйинчиси. 29. Жаҳон чемпионати ўйинларида фақат бир марта қатнашган команда. 30. Бразилия терма командасининг собиқ бош тренера. 31. Футбол бўйича жаҳон чемпионли бўлган давлат. 32. Мексикада жаҳон биринчилигининг финал матчи ўтказилган стадион.

Тўзувчи: Ф. ҒАҒУРОВ.



Футбол командамизнинг ҳар бир ўйинига қанда қилмай бораман. Одатда, кўпгина ишчиболлар овозлари борича бақириб-чақириб, ўйинчиларнинг ҳар бир ҳаракатига ўз муносабатларини билдиришга интиладилар. Мен улардан узоқроқ ўтиришга ҳаракат қиламан. Аммо, бу гал омадими келмади. Ана шундай бақироклардан биттаси меннинг ёнимда ўтириб қолибди, дедим. Ўйинчимиз тўпни олдириб қўйса ҳам бақиради, йиқилиб тушса ҳам бақиради. Бир пайт ҳужумчи тегган тўп дарвоза тепасидан ўтиб кетди. Ҳамроҳим тутокди:

— Пўлатов, майдонни бўша-тиб қўй!

Командамиз ҳужумга ўтди. Ҳамроҳим ер депсиниб бақир-ишга тушди.

— Ошир, тўққизинчига ошир, Муллаев қаққа қараясан!

Кўзингни оч— шундай деб чап мушти билан ўнг қўл қафтига мушлади.

Кўзим ўйинда-ю, кулоғим ҳамроҳимда. Ана, рақиб ҳужумчиларидан бири ҳимоячи-

дай бўлиб чиқди. Яна бақирди: — Рўзиев, лалай! Чоп, орқасидан қолмай Чоп!

Биринчи бўлиминг қандай ўтганини ҳам билмай қолбиман. Танффусда бугунги ўйин-га ушаган футболчилар рўй-хатини олиб ўқий бошладим.

чиларнинг бирортаси ҳам командамизда ўйнамайдик—ку?

— Ростини айтмайди!— деди у жийлашиб, тўғри, булар ўйинчилар эмас.

— Бўлмаса ким булар?

— Пўлатов цехимиз бошли-ғи, Рўзиев ўринбосари, Мул-

БАҚИРОК (ҲАЖВИЯ)

Тўғриси, ҳамма футболчилари-мизнинг фамилияларини бил-лардим-у, лекин боляги бақир-ок айтган фамилияларини ҳеч ҳам эшитмаган эдим. Балки улар янги ўйинчилардир. Рўй-хатда на Пўлатов, на Рўзиев ва на Муллаевларнинг фами-лиялари бор эди. Иккинчи бў-либ бошланганда, бақирокдан сўрадим:

— Биродар, сиз айтган ўйин-

лаев техконтролда ишлайди. Улар мени «ишқмас, инти-зомсиз, бракчи» деб кўзимни очиршмайдилар. Худди бутун бошли занжир ишлаб чиқара-диган заводда мендан бошқа одам йўқдай.

У яна бақиршга тушди:

— Пўлатов, майдонни бў-ша-тиб қўй!

Чидаб туролмадим. Ҳалиги кишини секин туртиб дедим:

— Биласизми, мен кимман?

— Йўй! Кимсиз?

— Мен ўша Пўлатовнинг акеси бўламан.

— Шунчаки!— У менга бақрайганча тикилиб қолди.

— Ҳа.

Ўйин давом этарди. Нота-ниш шеригим энди ҳеч ким-нинг фамилиясини айтмасдан бақирарди.— Ошир, ошир де-ялман! Теп, тепсанг-чи!

Бироздан сўнг бақирок мен-га қараб деди:

— Бу яқин ўртада сув-пув бормикин? Томоқлар қуриб кетди.

— Билмадим.

— Бўлмаса мен бир сув ичиб келай,— у шундай де-ди-ю, ўрнидан туриб нари кетди. Мен эса энди ўйинни мириқиб томоша қила бошла-дим. Фақат бези-базида «қайтмаётганмикан» деб, қўш-ним кетган томонга ҳавотир-ланиб қараб қўярдим. Ҳайри-ятки, у қайтмади. Ёнимда ўтиргиси келмадимки, ёки би-рор бошқа сабабдими, бил-мадим...

М. АБДУҚАҲҲОРОВ.

ФУТБОЛ

МАЙДОНЛАРИДА

✦ Минскнинг «Дина-мо» футболчилари кубок эгалари кубогининг чорак финалидаги дастлабки ўйинда Бельгия-нинг «Мехелен» футбол-чиларига 0:1 ҳисоби-да ютқазиб қўйинди. Ягона тўпни ўйиннинг 87-минутда майдон эгаларининг ярим ҳи-моячиси Де Вильд кир-тирди.

✦ Душанбеда фут-бол бўйича ўсмирлар ўртасида халқаро тур-нир бошланди. Турнир-да майдон эгалардан ташқари Болгария, Че-хословакия, Финляндия, Польша, РСФСР, Венгрия, Руминия ҳам-да СССР-1 ва СССР-2 терма командалари иш-тирок этишмоқда. Даст-лабки кун майдон эга-лари болгариялик тенг-курлари билан учра-шиб 3:0 ҳисобида гала-бага эришдилар. Че-хословакияликлар эса Финляндия футболчили-рини 2:1 ҳисобида ма-ғлуб этдилар. Польша — РСФСР, Венгрия — Руминия ўйинида бир хил натижа — 1:0 ҳи-соби қайд қилинди.

✦ «Пахтакор» коман-даси Хотира соврини турнирининг набатдаги ўйинлари бўлиб ўтди. Дастлабки тўрт турда муваффақиятли ишти-рок этиб 8 очкодан жам-гарган Тошкентнинг «Трактор» ҳамда Чир-чиқнинг «Сельмашчи» командалари Халқобод-нинг «Сохибор» ва футбол бўйича респу-блика олий спорт ма-ҳорати мактаби ёш футболчилари билан уч-рашдилар. Тракторсоз-лар халқободлик фут-болчиларни 2:0 ҳис-обида мағлуб этган бўл-салар. сельмашчилар рақиблари дарвозасига жавобсиз 5 тўп кир-тишга муваффақ бў-лишди. Олимпиаданинг «Металлург» ва Тўрт-қўлнинг «Целинник» ко-мандалари ўртасидаги ўйин дуранг бўлди [1:1].

ШАШКА

✦ Халқаро шашка бў-йича пойтахтимизда ўт-казилган республика биринчилигида тошкент-лик спорт мастерлигига номзод Ирина Ивано-ва қўшимча ўйинда фароналиқ спорт мас-тери Зайнаб Сафина устидан галаба қозо-ниб, чемпионлиқ ун-вонини қўлга киритди. Бу эса унга Братск ша-ҳрида бўлиб ўтадиган мамлакат чемпионати-нинг ярим финалида қатнашиш ҳуқуқини бер-ди.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

**ТОШКЕНТ
ҲАҚИКАТИ**

(«Ташкентская правда»)
Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного Совета народных депутатов
Издаётся на узбекском языке
Редакция адреси:
700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32